

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИДА ОҒИЗ БЎШЛИГИДА
ЎЗГАРИШЛАР**

(Ўқув услубий қўлланма)

*Тиббиёт олий ўқув юртлари стоматология факультети
Ү курс талабалари учун*

Тошкент -2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш Вазирлиги
Фан ва ўқув юртлари Бош
бошқармаси бошлиғи
профессор У.С.Исмаилов

2015 й «__» _____

«КЕЛИШИЛДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш Вазирлиги
Тиббий таълимни
ривожлантириш маркази
директори М.Х.Алимова

2015 й «__» _____

**ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИДА
ЎЗГАРИШЛАР
(Ўқув услубий қўлланма)**

*Тиббиёт олий ўқув юртлари стоматология факультети
5 курс талабалари учун*

ТОШКЕНТ 2015 йил

Тузувчи:

Мелькумян Т.В.—Давлат Стоматология институти Госпитал терапевтик стоматология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Дусмухамедов М.З. - ТДСИ болалар юз-жағ стоматология кафедраси
мудири, т.ф.д профессор

Жуматов У.Ж. - Тошкент врачлар малакасини ошириш институти 1
стоматология кафедраси профессори, т.ф.д.

Тошкент Давлат Стоматологий институти марказий услубий кенгашда
муҳокама қилинди ва илмий кенгашга тавсия қилинди
« 18 » феврал 2015 йил № 4 - сонли мажлис баёни

Тошкент Давлат Стоматология институти Илмий кенгашида тасдиқланди ва
чоп этишга тавсия этилди.
« 25 » феврал 2015 йил № 7 - сонли мажлис баёни

Тошкент Давлат Стоматология Институти
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.,
профессор

А.Ж.Жураев

*Ўқув-услубий қўлланма врач стоматологлар, илмий изланувчилар ва
тиббиёт олий ўқув юртлари стоматология факультети 5 курс
талабалари, учун мўлжалланган.*

Аннотация

Юрак-контмир хасталиклариди оғиз бўшлиғини шиллик қаватида цианоз кузатилади. Беморларда одатда шикаст бўлмайди, лекин ҳар замонда ачишиш ёки овқат еганда оғриқ ва оғиз қуриши кузатилиши мумкин.

Оғир юрак-томир хасталиклариди, айниқса қон айланишнинг II-III даражали бузилишларида оғиз бўшлиғини шиллик қаватида ярали-некротик шикастланишлар, трофик яралар ҳосил бўлади. Беморлар харсиллашга, холсизликка, оёқлар шишганига, овқатланиш оғирлашганига, оғиздаги кучли оғриққа ва яралар пайдо бўлганига шикоят қилишади.

Объектив кўрганда оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ҳар хил жойида (лунж, танглай, тилни ён томони ва ҳ.к) битта ёки бир нечта яралар кузатилади. Яраларнинг усти оқиш-кулранг некротик караш билан қопланган. Яранинг четлари нотекис, атроф тўқималарида яллиғланиш жараёни кузатилмайди. Сўлак қуюқ бўлади, оғиздан нохуш ҳид келади.

Некротик жараён жағга, юзга, бўйин қисмига тарқалиши мумкин

Тўқималарнинг некротик парчаланиши қон кетишига сабабчи бўлади.

Трофик яранинг келиб чиқишида тиш ёки тиш протези билан жароҳатланиш сабабчи бўлади.

Калит сўзлар

Цианоз, трофик яра, ярали-некротик шикастланишлар, хафақонлик, атеросклероз, геморрагик пуфаклар, пуфак-томир синдроми.

*Ўқув машғулотини
мақсади:*

Юрак-контмир касалликлариди О.Б.Ш.К. узгаришларини урганиш, уларни клиника ва диогностикаси, талабаларни шиллик қаватни гистологик узгаришлари, зарарланган учок билан таништириш.

<i>Талаба билиши керак:</i>	<p>юрак-контомир касалликларида О.Б.Ш.К. клиник хусусиятлари.</p> <p>-юрак-контомир касалликларида О.Б.Ш.К. гистологик узгаришлар.</p> <p>-юрак-контомир касалликларида О.Б.Ш.К. даволаш.</p>
<i>Талаба бажара олиши керак:</i>	<p>-юрак-контомир - касалликларида зарарланган элементни характерлаш.</p> <p>-юрак-контомир - касалликларида О.Б.Ш.К. асосий клиник белгиларни фарклаш ва санаб утиш.</p> <p>-юрак-контомир - касалликларида О.Б.Ш.К. таккосий ташхис утказиш.</p>
<i>Таълим усуллари:</i>	Маъруза, ақлий ҳужум, видеоусул, амалий иш усули, китоб билан ишлаш, суҳбат, таълимий ўйин, пинборд, органайзер.
<i>Таълим шакли:</i>	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш («Биргаликда ўқиймиз», «Ўйланг-Жуфтликдаишланг-Фикр алмашинг»), якка тартибли
<i>Таълим воситалари:</i>	Флипчарт, видеофильмлар, ёзув тахтаси, модел, муляжлар, график, диаграммлар, чизма, матнлар, назорат саволлари, тестлар, вазиятли масалалар.
<i>Таълим бериш шароити:</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган ўқув хоналар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўров: экспресс тест, ёзма сўров: тест

Назарий қисм

Клиник кўринишлари: хафақонлик ва ревматоид табиатли юрак-томир хасталикларида оғиз бўшлиғини шиллик қаватида цианоз кузатилади. Беморларда одатда шикаст бўлмайди, лекин ҳар замонда ачишиш ёки овқат еганда оғриқ ва оғиз қуриши кузатилиши мумкин.

Оғир юрак-томир хасталикларида, айниқса қон айланишнинг II-III даражали бузилишларида оғиз бўшлиғини шиллик қаватида ярали-некротик шикастланишлар, трофик яралар ҳосил бўлади. Беморлар харсиллашга, холсизликка, оёқлар шишганига, овқатланиш оғирлашганига, оғиздаги кучли оғриққа ва яралар пайдо бўлганига шикоят қилишади.

Объектив кўрганда оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ҳар хил жойида (лунж, танглай, тилни ён томони ва ҳ.к) битта ёки бир нечта яралар кузатилади. Яраларнинг усти оқиш-кулранг некротик қараш билан қопланган. Яранинг четлари нотекис, атроф тўқималарида яллиғланиш жараёни кузатилмайди. Сўлак қуюқ бўлади, оғиздан нохуш ҳид келади.

Некротик жараён жағга, юзга, бўйин қисмига тарқалиши мумкин. Тўқималарнинг некротик парчаланиши қон кетишига сабабчи бўлади. Трофик яранинг келиб чиқишида тиш ёки тиш протези билан жароҳатланиш сабабчи бўлади.



Цитологик текширувда трофик яранинг устидан олинган суртмада яқка жойлашган ёки бир нечта эпителийнинг юзаки ва оралик қаватларининг

хужайралар тўплами кузатилади. хужайралар ҳажми кичиклашган, аниқ чегарасиз, пикноз ва ядро шакли ўзгарган бўлади. Яллиғланиш элементлари, яъни гистиоцитлар кам миқдордалиги ёки йўқлиги аниқланади.

Яранинг микроскопик текширувида сурункали яллиғланиш ўчоғи, тўқималар некрози, қон томирлар ва нервлар ўзгариши кузатилади.


Кийин ташхис травматик яра билан ўтказилади. Травматик ярада сабабчиси олингандан сўнг шиллик қаватнинг эпителизацияси бошланади.

Бундан ташқари трофик яра Венсанни ярали-некротик стоматитидан, қон касалликларидаги некроздан, специфик касалликлардан (қон касалликлари, захм) фарқлаш лозим.

Даволаш: умумий даволашда юрак томир етишмовчилигини йўқотишга ҳаракат қилиш керак.

Маҳаллий даволашда оғриқсизлантирувчи препаратлар, антисептик эритмалар ва кератопластиклар қўлланилади. Беморга парҳезли овқатлар истеъмол қилиш тавсия этилади.

Хафақонлик ва атеросклерозда оғиз бўшлиғи шиллик қаватида геморрагик пуфаклар ҳосил бўлади. Геморрагик пуфаклар юмшоқ танглайда, тилнинг ён юзаларида пайдо бўлиб, улар лунжда майда қон-томир ёрилиши натижасида ҳосил бўлади.



Пуфаклар тез катта бўлиб, сўнг ёрилади ва гиперемияланган шиллик пардада оқиш караш билан қопланган эрозив юза очилиб қолади. Эрозиянинг эпителизацияси 3-5-7 кундан сўнг бошланади.

Суртмада периферик қон элементлари йўқ бўлиб, акантолитик хужайралар аниқланмайди. Никольский симптоми манфий бўлади.

А.Л.Машкиллейсон (1970) геморрагик пуфакларни генезини қон томирларни ўтказувчанлиги, юрак қон-томир хасталикларида ёки ёрилишлари ҳисобига бўлади, деб тушунтиради.

Қиёсий ташхисни пўрсилдоқ, ангиома, кўп шакли экссудатив эритема билан ўтказиш керак.

Юрак қон томирдаги касаликларда оғиз бўшлиқдаги ўзгаришлар қон томирларни девори жароҳатланиши ва қон айланиши бузилиши натижасида пайдо бўлади. Юрак қон томирдаги касаликларда компенсирланган ҳолатда оғиз бўшлиқдаги сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди.

Оғиз бўшлиқдаги шиш, цианоз, лаб кўқариши кузатилади. Одатда декомпенсирланган формада юрак қон томирдаги касаликларда,



гипертонияга учраган беморлада, ревматик юрак етишмочилигида учрайди. Тиш излари тилда, лунжда пайдо бўлади. Бу ҳолатда лаб кўқаришлари ҳам кузатилади. Сезиларли даражада тилни шиши кузатилиб, унинг ўлчамлари катталашиб, нутқ бузилади. Миокард инфарктида тил шиши билан бирга, ранги узгариб, ёриқ, эрозия, яралар пайдо бўлади. Катта ўчоқли инфаркта оғиз бўшлиқдаги ўзгаришлар сезиларли даражадан кўпроқ

бўлади. Соғайиб борган сари умумий даводан сўнг оғиз бўшлиқдаги ўзгаришлар яхшиланади- шиш камайиб, эрозия ва яраларни эпителизацияси бошланади. Шиш ва яраланишлар оғиз бўшлиқдаги тиш протезга ёпишиб турувчи : милкни маргинал қисми, кўприксимон протез остида, олиб қўйиладиган протез ўрнида пайдо бўлади.

Оғиз бўшлиғидаги сезиларли даражадаги ўзгаришлар бўлишига қарамай, беморлар субъектив ўзгаришларни сезмайди, бироқ агар врач шишни аниқласа у бунинг пайдо булиш сабабини излаши зарур. Инфекцион касалликлари, ошқозон ичак касалликлари ва бошқалар билан қиёсий ташхис ўтказилади.

Пуфак-томир синдроми оғиз бўшлиғида А.Л.Машкиллейсон томонидан 1972 тарифланган. Унда зич пуфакчалар шаффоф ёки геморрагик таркибида хар хил формада пайдо бўлади.



Юрак қон томирдаги касаликларда оғиз бўшлиқдаги ўзгаришларда бу пуфакчаларни пайдо бўлишини майда қон томирларни ўтказувчанлигини кучайиши ,томирларни синишида пайдо бўлади. Оғиз бўшлиғидаги эпителий ва бириктирувчи тўқиманинг алоқасини сусайиши, базал мембранани деструкцияси. Т.И.Лемецкая оғиз бўшлиғидаги капиллярларни чидамлилиги камайиши, Кулаженко синамасида кузатилади.

Пуфак-томир синдроми оғиз бўшлиғида 40-75 ешларда аеларда кўпроқ учрайди. Пуфакчалар тусатдан пайдо бўлиб, овқат ейиш пайтида. Пуфаклар пайдо бўлиши артериал қон босим ошишида. Енг кўп учрайдиган

жой, юмшоқ танглай, тилни ён юзаси, лунжда. Пуфакчалар бир неча соатдан бир неча хафтагача туради. Базан ёрилмасдан йўқ булиб кетади, кўпинча ёрилиб, эрозияга айланади, 3-7 кунда эпителизация бўлиб битади. Эрозиядаги сурмада периферик қон таначалари, акантолитик таначалар бўлмайди. Никольский симптоми манфий.

Қиёсий ташхис. Пуфак-томир синдроми:

Пурсилдоқ, ангиома, кўп шаклли эксудатив эритема билан ўтказилади.

Даволаш. Даволаш аввало асосий касаллик ҳисобланган юрак қон томир кассаликларини даволашга юналтирилган чунки бу сиз пуфакча ҳосил бўлишини тухтатиб бўлмайди. Юрак қон-томир хасталикларини даволаш билан бирга, витаминлар – С, РР, аскорутин, компаламин ва бошқалар буюрилади. Махалий даволашда антисептик моддалар (хлоргексидин, хлорамин эритмалари) иккиламчи инфекцияни олдини олиш мақсадида қўлланилади, оғиз бўшлиғи санацияси ўтказилиб, рационал протезланади. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати антисептик воситалар билан (хлоргексидин, хлорамин эритмалари) ишлов берилади ва кейин кератопластик воситалар (А,Е витаминлари ёғли эритмаси, наъматак мойи, актовегин малхами, каротолин, цитраль, аекол, аевит, солкосерил) қўлланилади. Баъзи ҳолатларда агар 2-3 кун ичида эрозияни тезкор эпителизацияси кузатилса махалий даволашга зарурат сезилмайди.

Машгулотда қўлланиладиган янги педогогик технологиялар:

1. «Ўргимчак ини» иш ўйинини ўтқозиш.

2. Органайзер тузиш (Кластер, Нима учун)

«Ўргимчак ини» номли иш ўйинини ўтқозиш услуги.

Иш учун керак:

1. Алоҳида варақли печатланган саволлар ва вазияти масалалар.
2. Жребий учун ракамлар
3. Тоза қоғоз, ручка.
4. Ишни йўналиши.

1. Гуруҳ талабалари 3-та кичик гуруҳга бўлинишади.
2. Хар бир кичик гуруҳ талабалари алоҳида столга ўтириб, варақа ва ручка олади.
3. Варақага талабани исми, шарифи, кичик гуруҳ рақами, факультет, иш ўйининг номи ёзилади.
4. Хар бир кичик гуруҳдан битта талаба конвертдан вазифани вариантини олади.
5. Талабалар варақага вазифани ёзади.
6. Ушбу варақа даврада айланади.
7. Даврада барча талабалар ўз жавобларини варақага ёзиб, бошқасига узатади.
8. Жавоб учуй 3 дақиқа ажратилади.
9. Вақт тугаши билан жавоблар ўқитувчига топширилади.
10. Ҳамма иштирокчилар муҳокама қилиб энг тўғрисиини ажратишади, унга максимал балл қўйилади.
11. Муҳокама 15 дақиқа давом этади.
12. Дарсни рейтинг баллари куйилишида иш уйини учун қўйилган рейтинг баллари ҳисобга олинади.
13. Жавоби учун баллар дарсни назарий қисми рейтингидан ажратилади.
14. Уйин ўтказилганидан далолат берувчи ёзувга гуруҳ старостаси қўл қўяди.

Назорат саволлари:

1. Юрак-контомир касалликлари патологиясида беморлар қандай шикоят қилишади.

Жавоб: Беморлар ҳарсинлашга, ҳолсизликка, оёқ ва қули шишига, овқат еганда оғзи оғришига, яралар пайдо бўлишига шикоят қиладилар. Оғиз бушлигини ҳар хил жойларида битта еки бир нечта яралар қузатилади (тилнинг ен томонида, лунжнинг шиллик қаватида, оғиз тубида, танглайда). Яралар чети нотекис, туби оқ-қулранг қараш билан қопланган. Атроф туқималарда яллиғланиш қузатилмайди. Сулак қуюқлашади, оғиздан ноҳуш ҳид қелади.

2. Қайси касалликлардан қиесланади.

Жавоб: Ноакантолитик пурсилдоқ, пурсилдоқ, ангиома, травматик яра, қон касалликларидаги ОБШК некрози, сил ва бошқа специфик касалликлардан қиеслаш мумкин.

3. Хафаконлик ва атеросклерозда қузатилади.

Жавоб: Хафаконликда ва атеросклерозда ОБШК геморрагические пуфаклар намоён бўлади. Пуфаклар қупинча ҳар хил шаклда бўлиб, юмшак танглай, тилнинг ен юзаларида, лунжларда тишлар жипслашган чизигида қузатилади. Гиперемияланган шиллик қаватида пуфак майда томир ерилиши муносабати билан овқатланиш пайтида тусатган пайдо бўлиб, тез қатталашади ва ерилиб, оқ қараш билан қопланган эрозияларни ҳосил қилади. Эпителлизация 3—7 кундан сунг (қата ва қичқилилига қараб) бошланади.

4. Юрак-контомир ҳасталигида цианозни ривожланиши.

Жавоб: Оғиз бушлигини цианозда лабнинг қизил хошиясида ҳам цианоз қузатилади. Беморлар қупинча шикоят қилмайдилар, айрим пайтларда

ачишиш,овкат еганда огрикка ва огзи курушига шикоят килишлари мумкин.

5.Трофик яраларни пайдо булишига сабабчилар.

Жавоб:Трофик яраларни пайдо булишига Тиш ва протезлар таъсиридаги травмалар сабабчи булиши мумкин.

6.Микроскопик текширишда аникланади.

Жавоб:Яраларни микроскопик текширишда сурункали яллигланиш куриниши намоен булади.Бунда тукималар некрози , кон-томирла ва нервлар узгаришлари кузатилади.Трофик яралар асосан кон айланишини бузилишида келиб чикади.


7.Юрак-контомир етишмовчилигидаги яраларнинг тавсифи.

Жавоб:Огиз бушлигида жойлашган яраларнинг четлари нотекис,туби окиш-некротик караш Билан копланади.Атроф тукималарда яллигланиш жараени йук.Сулак куюклашади,огиздан нохуш хид келади.Некроз натижасида кон кетишлар кузатилади.


8.Юрак-контомир хасталикларида стоматологнинг тактикаси.

Жавоб:Стоматолог махаллий симптоматик терапияни утказди.Махаллий антисептик ишлов берилади,анестетиклар ва кератопластиклар буюрилади (цигерол, прополис, А ва Е витаминларини мойли эритмалари, облепиха, наъматак мойлари , ферментатив препаратлар).Якка яраларда шиллик каватнинг реактивлигини ошириш максадида новокаин, биостимуляторлар зарарланиш элементлар остига инъекция килинади. Пархез,огиз бушлигини парвариш килиш яхши натижа беради.

Юрак-қонтомир касалликларида ОБШҚ ўзгаришлари буйича кластер тузилмаси



Юрак-контмир касалликларида ОБШҚ ўзгаришлари буйича “Нима учун” диаграммаси



Аналитик қисм

Вазиятли масалаларнинг комплекси

Вазиятли масала №1.

25 ешлик бемор милклари конашига, ранги узгарганига, шишганлигига Тиш тозалашга кийналади .Объектив : бемор суст кучсиз огиз бушлиги шилик каватида. Лунж ,лаб гиперемияланган шишган кукарган . Текганда кониди барча тишларда юмшок караш кузатилади

1. Бемор қайси умумий касаллик билан огриди

1. огиз бушлиги гигиенаси ҳолати индекслар ёрдамида аниқланади а) Федорова-Володкина; б) РМА; в) Рамфьера; г) кератинизации; д) Сандлера и Сталя
2. Юрак томир патология давосида кулланилади : а) умумий даво санация , парадонт давоси; б) санация , пародонт давоси ; в) умумий даво ; г) физиотерапия ; д) санация физиотерапия

Вазиятли масала № 2

Бемор шикояти: тили галати рангда эканлигидан, сузи буйича 3 йил мобайнида тил остига нитроглицерин куйган.

Анамнезидан: бемор умумий ахволи яхшиланганда тил ранги ва катталиги нормаллашади, лунжлар шикастида узок битмайдиган яралар пайдо булади.

Объектив: тилда ёриклар, ипсимон ва кузикоринсимон сургичларнинг гиперплазияси кузатилади. Тил шиши ранг узгариши билан биргаликда кечади. Лунжнинг шиллик каватида тишлар излари куринади. Тишларда кариес ва унинг асоратлари кузатилади.

1. Бемор қайси умумий касаллик билан оргийди?
2. Трофик яралар куриниши қандай Даволашда сизнинг тактикангиз.

Вазиятли масала №3

Терапевтик стоматология клиникасига бемор пуфакчалар ва огрикли ярачалар борлиги билан шикоят қилиб келди. Объектив: 37;36 тишлар – кариес, 46 – пульпит, 47 – илдиз. Тил ён юзалари ва лунжлар шиллик каватида геморрагик таркибли, катталиги 0.3 х 0.4 см яралар, ҳамда ок караш билан копланган эрозиялар мавжуд. Урта даража огирликдаги генераллашган пародонтит кузатилади. Анамнезида – гипертоник касаллик ва атеросклероз.

1. Бемор қайси умумий касаллик билан оргийди?
2. Юрак-қон томир патологиясида эрозиялар юзасидан олинган суртмаларда аниқланади.
3. Даволашда сизнинг тактикангиз.

Тестлар

1. Юрак-қон томир патологияли беморларда одатда аниқланади:

- А. цианоз
- Б. слизистая оболочка полости рта бледно-розового цвета
- В. суртмаларда акантолитик хужайралар мавжудлиги
- Г. суртмаларда гигант кўп ядроли хужайралар

Д. оқиш трепонема

2. Гипертоник касалликда геморрагик пуфакчалар сақламайди:

- А. акантолитик ҳужайраларни
- Б. эритроцитларни
- В. лейкоцитларни
- Г. қон зардобини
- Д. базофилларни

3. Оғиз бўшлиғини шиллиқ қаватини Вуд нурларида текшириш номланади:

- А. люминесцент диагностика
- Б. Мак-Клюра-Олдрич синамаси
- В. сиалография
- Г. гистамин синамаси
- Д. аллергологик синама

4. Эпителизацияни тезлаштириш учун қўлланилади:

- А. кератопластиклар
- Б. ферментлар
- В. антибиотиклар
- Г. гормонлар
- Д. антисептиклар

5. Кўпинча геморрагик пуфакчалар қайси соҳа шиллиқ қаватида пайдо бўлади:

- А. лунж
- Б. танглай
- В. лаб
- Г. ютқин
- Д. тил

6. ОБШҚ замбуруғли касалликлари даволанади:

- А. фунгистатик воситалар билан
- Б. гормонлар билан
- В. цитостатиклар билан
- Г. ферментлар билан
- Д. антибиотиклар билан

7. Геморрагик пуфакчалар пайдо бўлади:

- А. қон босими ортганда
- Б. қон босими пасайганда
- В. тана ҳароратини ортиши
- Г. қонда лейкоцитлар сонини ортиши
- Д. қонда эритроцитлар сонини ортиши

8. Оғиз бұшлиғи гигиенаси қайси индекс ёрдамида аниқланади:

- А. Фёдорова-Володкина
- Б. РМА
- В. Рамфьер
- Г. кератинизация
- Д. Сандлер ва Сталь

9. Қон-томир синдромини даволашда асосий эътибор қаратилади:

- А. асосий касалликка
- Б. бемор ёшига
- В. миллатига
- Г. тери рангига
- Д. тана тузилишига

10. Оғир ярали-некротик ўзгаришлар оғиз шиллик қаватида қачон аниқланади:

- А. қон айланишининг II – III даражали бузилишида
- Б. қон айланишининг I даражали бузилишида
- В. соғлом организмда
- Г. кариесда
- Д. периодонтитда

11. Юрак-қон томир касалликлари патологиясида оғиз бұшлиғи шиллик қаватни даволашга нималар киради:

- А. умумий даво
- Б. санация
- В. пародонт касалликларини даволаш
- Г. криохирургия
- Д. химиотерапия
- Е. ангиография

12. Трофик яралар ифодаланади:

- А. четлари нотекис
- Б. оқиш-кулранг некротик карашлар бўлиши
- В. яллиғланиш реакцияси йўқ
- Г. четлари йиртилган
- Д. қизил гўшт рангли
- Е. асосида инфильтрат бор

13. Трофик яра қиёсий ташҳисланади:

- А. травматик яралар
- Б. қон касалликларида оғиз бұшлиғи шиллик қаватни некрози
- В. сил яралари
- Г. ангиома
- Д. гемангиома

Е. лимфангиома

14. Яра юзаси микроскопик текширилганда аниқланади:

- А. сурункали яллиғланиш ўчоғи
- Б. тўқима некрози
- В. қон-томир ва нерв тололарининг ўзгаришлари
- Г. эпителий десквамацияси
- Д. гематомалар
- Е. лимфангиома

15. Юрак-қон томир касалликларида

оғиз шиллиқ қаватида аниқланади:

- А. тилда ёриқлар
- Б. тил сўрғичларидаги шиши ва гиперплазияси
- В. оғиз шиллиқ қаватини цианози
- Г. тил бурмалари
- Д. ромбсимон тил
- Е. қора сочли тил

16. Трофик яранинг пайдо бўлишига олиб келади:

- А. протезлар билан шикастланиш
- Б. одатий тишлов
- В. касбий зарарликлар
- Г. тил бурмалари
- Д. ромбсимон тил
- Е. қора сочли тил

17. Юрак-қон томир касаллигида беморнинг шикоятлари:

- А. нафаснинг қийинлашиши, ҳолсизлик
- Б. қўл-оёқнинг шиши
- В. овқат қабул қилишни қийинлашиши ва оғриғи
- Г. бош оғриғи
- Д. бўғимларда оғриқ
- Е. субфебрил ҳарорат

18. Иккиламчи инфекция тушишини олдини олиш учун қўлланилади:

- А. хлорамин эритмаси
- Б. хлоргексидин эритмаси
- В. хлорфиллипт эритмаси
- Г. новокаин эритмаси
- Д. лидокаин эритмаси
- Е. тримекаин эритмаси

19. Геморрагик пуфаклар кўпинча қайси соҳада учрайди:

- А. юмшоқ танглайда

- Б. тилининг ён юзаларида
- В. лунжда тишларни жипслашган жойида
- Г. лабнинг қизил хошиясида
- Д. тилчада
- Е. лаб бурчакларида

20. Шиллик қаватнинг цианози қандай ҳолатларда белгиланади:

- А. ревматоидли юрак касаллигида
- Б. хафақонликда
- В. гипоплазияда
- Г. нерв тўқими касалликларида

21. Юрак қон- томир касалликларига комплекс даво қаратилади:

- А. қон айланишининг етишмовчилиги бартараф қилиш
- Б. маҳаллий симптоматик даво
- В. фибриноз карашларни олиб ташлаш
- Г. хазм системасини нормаллаштириш

22. Қон-томир касаллигини оғир ҳолатларида беморларда ривожланади:

- А. гиповитаминоз
- Б. оғиз бўшлиғи шиллик қавати кандидозлари
- В. чандиқлар
- Г. папулалар

23. Қон томирлар ўтказувчанлигини яхшилаш учун беморларда қўлланилади:

- А. аскорбин кислотаси
- Б. витамин Р
- В. цефозолин
- Г. гентомицин

25. Юрак-қон томир касалликларида беморда оғиз бўшлиғида кузатилади:

- А. геморрагик пуфаклар
- Б. трофик яралар
- В. дистрофик ўзгаришлар
- Г. ётоқ яралар
- Д. қаттиқ шанкр
- Е. чандиқлар
- Ж. папулалар
- З. дўмбоқчалар

26. Юрак-қон томир патологиясида эрозия юзаларидан олинган босма-суртмада аниқланади:

- А. эритроцитлар
- Б. лейкоцитлар

- В. қон зардоби
- Г. базофиллар
- Д. акантолик хужайралар
- Е. атипик хужайралар
- Ж. псевдомицелиялар
- З. Трель доначалари

27. Юрак-қон томир патологиясида ОБШҚ нинг қайси соҳасида яралар аниқланади:

- А. тилнинг ён томонида
- Б. лунж шиллик қаватида
- В. оғиз тубида
- Г. танглайда
- Д. тилчада
- Е. лаб қизил хошиясида
- Ж. лаб бурчакларида
- З. лаб терисида

28. Эпителизацияни тезлаштирувчи препаратлар:

- А. каротоллин
- Б. витамин Е нинг мойли аралашмаси
- В. витамин А нинг мойли аралашмаси
- Г. облепиха мойи
- Д. намаътак мойи
- Е. кортикостероидлар
- Ж. цитостатиклар
- З. антисептиклар
- И. гормонлар
- К. транквилизаторлар

29. Юрак-қон томир касалликлари бор беморларда кузатилади:

- А. тилда ёриқлар
- Б. ипсимон сўрғичларнинг гиперплазияси
- В. замбуруғсимон сўрғичларнинг гиперплазияси
- Г. тилнинг шишиши
- Д. оғиз шиллик қаватининг цианози
- Е. бош айланиши
- Ж. қусиш
- З. бодомсимон безларда эрозиялар
- И. қўл кафтида папулалар
- К. бичилишлар

30. Юрак-қон томир касаллигида беморнинг шикоятлари:

- А. нафас олишнинг қийинлашиши

- Б. ҳолсизлик
- В. қўл-оёқнинг шиши
- Г. овқат қабул қилишни қийинлашиши
- Д. оғиздаги оғриқ
- Е. юқори харорат
- З. субфебрил харорат
- Ж. оғизда нохуш хид йўқ
- И. бош оғриғи
- К. кўнгил айнаши

31. Юрак қон- томир касалликларига комплекс даво қаратилади (ортиғини чиқаринг):

- А. хазм йулининг нормаллашуви
- Б. қон айланишининг етишмовчилиги бартараф қилиш
- В. маҳаллий симптоматик даво
- Г. оғиз бўшлиғи санацияси
- Д. рационал протезлаш

32. Иккиламчи инфекция тушишини олдини олиш учун қўлланилмайди:

- А. тримекаин эритмаси
- Б. хлорамин эритмаси
- В. хлоргексидин эритмаси
- Г. хлорофиллипт эритмаси
- Д. фурациллин эритмаси

33. Гипертоник касалликда геморрагик пуфакда аниқланмайди:

- А. акантолитик ҳужайралар
- Б. эритроцитлар
- В. лейкоцитлар
- Г. қон зардоби
- Д. базофиллар

Амалий қисм

Амалий куникма: «ЮКТ касалликларида беморларни ОБШК ни текшириш усуллари.»

Мақсад: Талабани ЮКТ касалликлари булган беморларни ОБШКни текшириш усулларига ургатиш.

Курсатма: ОБШК касалликларини ташхислаш.

Жихозлаш: химоя куз ойнаклари, резинали перчатка, маска, тематик бемор(волонтёр), оғиз бўшлигини куриш учун асбоблар.

Амалий куникма боскичлари:

№	Бажариладиган ишлар	Бажарилма	Тўлик
---	---------------------	-----------	-------

		ди	бажарилди
1.	Химоя воситаларини тақиш.	0	8
2.	Беморни ташқи киефасини кўриш(юз тери ва лаблар цианози)	0	8
3.	Беморни оғиз дахлизини кўриш (тиш қаторлари,прикус)	0	8
4.	Хусусий оғиз бўшлиғини кўриш (тил, лунж, танглай, кариоз тишлар,пародонтит)	0	8
5	ОБШҚ кўздан кечириш(гипреремия,шиш, ранги оқиш ёки цианотик)	0	8
	Жами	0	40

Малака, кўникма ва билимни текшириш усуллари

- оғзаки; ёзма;
- органиайзерлар;
- тест; вазиятли масалалар ечиш;
- эгалланган амалий кўникмаларни намойиш этиш;

Талабалар билми, кўникма ва махоратини баҳолашда қўлланиладиган назорат мезонлари

5 курс амалий машғулотларини баҳолаш мезонлари

№	Баҳо	аъло	яхши	урта	кониқарсиз	ёмо
	Ўзлаштириш % ҳисобида	100%- 86%	85%- 71%	70-55%	54%-37%	36% кам
1	Назарий қисм	20-17,2 балл	17-14,2 балл	14 – 11 балл	10,8 -7,4 балл	7,2 балл
2	Аналитик қисм: органиайзер	15-12,9	12,75- 10,65	10,5-8,25	8,1-5,55	5,4
3	Тест	15-12,9	12,75- 10,65	10,5-8,25	8,1-5,55	5,4
4	Амалий қисм	40-34,4- балл	34- 28,4балл	28- 22балл	21,6-14,8 балл	14,4 балл
5	Назорат саволлари	10-8,6	8,5-7,1	7,0-5,5	5,4-3,7	3,6 балл

Амалий машгулотнинг хронологик харитаси:

№	Машгулот боскичи	Машгулот тури	Вакт-270 мин.	Танаффус
1.	Текшириш	Дафтар, талабалар катнаш даражаси Мавзу номи, мақсад ва ваз. Ўқув режа, адабиёт рўйхати Бах. мезонлари билан таништириш	10 мин. 15 мин 30 мин 15 мин.	5 мин
2.	Назарий қисм	Дискуссия-музокара, ақлий хужум .«Ургимчак ини»	15 мин. 20 мин	15 мин
3.	Тахлилий қисм	Тестлар ва ситуацион масалалар ечиш, Кластер ва “Нима учун” органайзерларни тузиш ва чизиш Кўргазмали қуроллар тақдими	60 мин 20 мин	5 мин 45 мин
4.	Амалий қисм	Амалий куникмалар бажариш Қилинган ишлар тахлили	45 мин. 20 мин	5 мин 15 мин
5	Хулоса	Назорат саволлар тахлили, баҳолаш, уй вазифаси, мустақил иш бериш	15 мин. 5 мин	

Назорат саволлари

1. Юрак-контотмир касалликларида ОБШК да ўзгаришлар.
2. Пуфакли синдром клиникасидаги ўзгаришлар.
3. Тилдаги шиш ҳолати қандай аниқланилади.
4. Трофик яралар сабаблари.
5. Трофик яра клиникаси.
6. ОБШК ранг ўзгариши сабаби.
7. Юрак-контотмир касалликларида ОБШК да ўзгаришларни даволаш.
8. Юрак-контотмир касалликларини қиссий ташхиси.

Тавсия этилган адабиётлар

Асосий:

1. Боровский Е.В. и соавт. Терапевтическая стоматология: Учебник - М, 1989.
2. Абдуллаходжаева М.С., Акбарова М.Т. Атлас патологической анатомии болезней зубо-челюстной системы и органов полости рта. 1983.
3. Боровский Е.В., Данилевский Н.Ф. Атлас заболеваний слизистой оболочки полости рта.- Москва «Медицина» 1981.
4. Боровский Е.В. Данилевский Н.Ф. АТЛАС заболеваний слизистой оболочки полости рта. – Москва «Медицина»1991.- 320 с.

5. Камиллов Х.П., Ибрагимова М.Х., Мирахмедова Д.У. ва бошк. Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касалликлари: Учебник - Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.

Қўшимча:

6. Банченко Г.В., Максимов Ю.М. Язык - «зеркало» организма. М. Бизнес-центр «Стоматология» 2000. *(библиотека кафедры)*

7. Боровский Е.В. «Биология полости рта», М. 2001. *(электронный)*

8. Барер Г.М. Терапевтическая стоматология. Часть 3. Заболевания слизистой оболочки полости рта. Москва. «ГЭОТАР-Медиа» 2005. *(электронный)*

9. Данилевский Н.Ф., Леонтьев В.К. и соавт. Заболевания слизистой оболочки полости рта и губ. Москва «Стоматология», 2001. *(библиотека кафедры)*

10. Леус П.А., Горегляд А.А., Чудакова И.О. Заболевания зубов и полости рта. Минск. «Вышэйшая школа» 1998. *(электронный)*

11. Джордж Ласкарис. Лечение заболеваний слизистой оболочки полости рта. Москва. МИА. 2006. *(библиотека кафедры)*

12. Пачишин М., Готь И., Масный З. Неотложные состояния в стоматологической практике. Львов. ГалДент. 2004. *(электронный)*

13. Дмитриева Л.А. Терапевтическая стоматология. Москва. «МЕДпресс-информ» 2003. *(библиотека кафедры)*

14. Цветкова Л.А., Арутюнов С.Д. и др. Заболевания слизистой оболочки полости рта. Москва. «МЕДпресс-информ». 2006. *(библиотека кафедры)*

15. Анисимова И.В., Недосенко В.Б., Ломиашвили Л.М. Заболевания слизистой оболочки рта и губ. Клиника. Диагностика. Москва. «МЕДИ издательство» 2005. *(библиотека кафедры)*

16. Стефан Т. Сонис. Секреты стоматологии. 2002. *(библиотека кафедры)*

17. Трошин В.Д., Жулев Е.Н. Болевые синдромы в практике стоматолога. Нижний Новгород «НГМА». 2002. *(электронный)*

Электрон манбалар олинган сайтлар:

18. [www. medlibrary. ru](http://www.medlibrary.ru)

19. www. medline. ru

20. www. cochrane. com

21. www. zdorove. ru

22. www. med. ru

23. www. stom. ru

www. stomatologya. ru